

# Лойиҳа таълим технологиялари

# РЕЖА

1. Лойиҳавий таълимнинг асослари
2. Ўқув лойиҳавий фаолият
3. Ўқув лойиҳасининг услубий паспорти



**1. Лойиҳа** – аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракат маҳсули.

**2. Лойиҳалаш** – бошланғич маълумотларга асосланиб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган амалий ҳаракат.

**3. Таълим жараёнини лойиҳалаш** – алоҳида олинган таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун барча омилларни инобатга олган ҳолда унинг лойиҳаси, схемасини ишлаб чиқиш

**4. Дарс ишланмаси** – таълимий мазмунга эга лойиҳа ҳамда ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат

**5. Модел** – реал, ҳақиқатда мавжуд объектнинг соддалаштирилган, кичрайтирилган (катталаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси.

**6. Моделлаштириш** ҳодиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи моделни яратиш

# Лойиҳа таълим технологиясининг долзарблиги

Лойиҳа таълим технологияси қуйидаги долзарб таълим муаммоларини ҳал этиш имконини беради :

таълимни реал ҳаётга юқори даражада яқинлаштирилган вазиятда амалга оширишни таъминлайди


назарий маълумотларни амалий фаолият билан боғлайди

талабаларни фаол мустақил билиш жараёнига жалб этиш имконини беради

касбий лаёқатни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайди

# Лойиҳа


**Лойиҳа** (design - дизайн) – баъзи мураккаб ишланмаларни яратиш бўйича ҳужжатлар йиғиндиси.



**Лойиҳа** (projekt) – тушунчаси кенгроқ ифодаланиб, маълум натижа (лойиҳанинг беқиёс маҳсули)га эришиш учун мақсадли ташкил этиладиган фаолият.




# Лойиҳалаштириш



**Лойиҳалаштириш** - («лойиҳа» сўзидан) – реал натижага олиб келувчи, қатъий тартибга солинган ҳаракатлар изчиллигини ўз ичига олувчи муаммони ҳал этувчи фаолиятни англатади.

**Ўқув лойиҳаси** - ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкил этишдан то уни ҳал этиш йўлини тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

# Ўқув лойиҳаларнинг турлари



# “Ўқув лойиҳавий фаолият” тушунчаси

Бу қўйилган вазифага эришиш, таълим олувчилар учун муҳим ва АНИҚ ФОЙДАЛАНУВЧИга мўлжалланган бирор-бир якуний МАХСУЛОТ кўринишида расмийлаштирилган, МУАММОНИ ечиш учун таълим олувчиларнинг белгиланган изчилликдаги ҳаракатлари мажмуаси



# Ўқув лойиҳавий фаолият: тузилиши ва мазмуни

Лойиҳа  
концепциясини  
ишлаб чиқиш

Лойиҳавий  
фаолиятни  
ташкил  
этиш

Лойиҳавий  
фаолиятни  
режалаштириш

Лойиҳавий  
вазифаларни  
ҳал этиш

Маҳсулотни  
расмийлаш-  
тириш

Ҳисобот  
тузиш

Натижалар  
тақдимотини  
тайёрлаш

Лойиҳанинг  
оммавий тақдими,  
ҳимояси ва баҳоси

Рефлексия

Ҳисобот  
топшириш

## ЎҚУВ ЛОЙИХАВИЙ ФАОЛИЯТНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

**Тайёргарлик босқичи:**

лойиҳага киришиш, лойиҳа фаолиятини ташкил этиш ва режалаштириш – *аудитория* иши.

**Лойиҳани бажариш  
босқичи**

*аудиториядан* ташқари

**Яқунловчи босқич**

лойиҳа тақдимоти, талабалар маҳсулоти ва лойиҳа фаолиятининг баҳоланиши, лойиҳа фаолияти рефлексияси – *аудитория* иши.

# Ўқув лойиҳавий фаолиятнинг процессуал тузилмаси (1-босқич)

*Тайёрлов: “лойиҳага кириш” фазаси*

1. Профессор-ўқитувчи ва талабалар амалга оширишади:

- вазиятга тез мослашиш;
- муаммони шахсан ўзлаштириш (муаммони тушуниш ва амалий фаолиятнинг муайян соҳаси учун унинг ечими долзарб ва муҳимлигини англаш);
- лойиҳанинг мақсади, муаммони ҳал этиш масалаларини аниқлаштириш;
- лойиҳанинг натижаси (маҳсулоти) ва уни тақдим этиш шакллари англаш, лойиҳанинг бошқа иштирокчилари ва ўқитувчи билан мулоқатнинг алгаритмини белгилаш.



# Ўқув лойиҳавий фаолиятнинг процессуал тузилмаси (1-босқич )

## *Тайёрлов: “режаслаштириш” фазаси*

2. Талабалар лойиҳа устидан ишлаш шаклларини танлашади (алоҳида ёки гуруҳий). Агар гуруҳли шакл танланган бўлса, талабалар:

- гуруҳларга бирлашишади;
- лойиҳа бўйича вазифаларни ажратиб, қатнашчилар орасида тақсимлашади;
- лойиҳа бажариш бўйича ишчи режасини ишлаб чиқишади;
- уни бажаришнинг оптимал усуллари ва воситаларини танлашади;
- натижа тақдимотини расмийлаштириш усуллари ва шаклларини белгилашади;
- лойиҳа маъсули, ҳисобот ва тақдимотни баҳолаш мезонларини муҳокама қилишади.

# Ўқув лойиҳавий фаолиятнинг процессуал тузилмаси (2-босқич)

## *Лойиҳани бажариш*

Лойиҳанинг ушбу босқичида талабалар ўзларининг вазифалари билан мувофиқ тарзда, бир-бирларига маълум қилган ҳолда фаол ва мустақил ишлайдилар:

- турли манбалардан ахборот тўплаш, таҳлил этиш ва умумлаштириш ишларини олиб борадилар;
- тадқиқот ўтказадилар, ҳисоб-китобларни бажарадилар;
- зарурат туғилганда маслаҳатлашадилар;
- оралик натижаларни муҳокама қиладилар;
- ҳаммадан олинган натижаларнинг умумий тўпланиши ва муҳокамасини ўтказадилар.



# Ўқув лойиҳавий фаолиятнинг процессуал тузилмаси (3-босқич)

*Якуний: тақдимот, ҳимоя, баҳолаш, рефлексия*

Лойиҳанинг жамоавий тақдимоти вақтида қуйидагилар акс эттирилади:

- муаммо, мақсад, вазифаларни ойдинлаштирилади;
- ишни режалаштиришдан то амалга оширишгача бўлган жараён кетма-кетликда баён этилади;
- ечимларни излаш жараёнини таҳлил қилинади;
- лойиҳалар ва тақдимотни ўзаро баҳоланади;
- фаолият ва натижа рефлексиясини амалга оширишади, яъни иш давомида ва якунида юзага келган ютуқларини, йўл қўйилган хато ва камчиликларни таҳлил қилишади, ўзларидаги шахсий ўзгаришларини англаганликларини намоён этадилар.
- Лойиҳа бажарилиши юзасидан ҳисобот топширишади.



# ЎҚУВ ЛОЙИҲАСИ УСЛУБИЙ ПАСПОРТИНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

2. ЛОЙИҲА ТОПШИРИҒИ

3. ТАЛАБАЛАРГА УСЛУБИЙ  
КЎРСАТМАЛАР

4. ЎҚУВ ЛОЙИҲАСИНИНГ  
ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

# **Мисол ўқув лойиҳаси: “ДЕВИАЦИЯ – ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА”**

**Н. М. Эгамбердиева, ТДПУ**

## **ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ (лавҳа)**

**Фаннинг номи:** “Ижтимоий педагогика”.

**Мавзунинг номи:** “Девиация – ижтимоий педагогик муаммо сифатида”.

**Иштирокчилар:** бакалаврият босқичи “Педагогика ва психология” йўналиши, 2-курс талабалари.

**Таълимнинг мақсади:** ўқув курси бўйича эгалланган билимларни чуқурлаштириш мақсадида ижтимоий меъёрдан оғишиш ҳолатларини олдини олиш бўйича малака кўникмаларни шакллантириш.

**Режалаштирилаётган ўқув натижалари:** ижтимоий меъёрдан оғиши кўринишларини фарқлайди; ... аниқ ҳолатларда профилактика, коррекция, реабилитация бўйича кўникмаларига эга бўлади.

*Лойиҳалаштириш фаолияти бўйича қуйидаги амалий кўникмаларга эга бўлади:* муаммони шакллантириш ва вазифаларни аниқлаш; вазифаларни амалга оширишдаги усулларни танлаш ва улардан фойдаланиш;...

**Талабалар лойиҳани муваффақиятли бажаришлари учун билишлари лозим бўлган олдинги билим ва кўникмалар қуйидагилардан иборат:**

*Қуйидаги олдинги билим, кўникмаларни билиши керак:* Жаҳонда ва Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат; меърдан оғишиш

*турларини, фаннинг назарий асослари:*



## ➔ **Мисол**    **ЎҚУВ ЛОЙИХАСИ: “ДЕВИАЦИЯ – ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА”** (давоми)

### ➔ **ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ** (лавҳа)

**Турланиш белгилари бўйича лойиҳага тавсиф:** тури амалий; предмет ва мазмун жиҳатдан кўлами бир фан бўйича фойдаланилувчи моно ва фанлараро лойиҳа; иштирокчилар сони 5 тадан 8 тагача иштирокчи бўлиши мумкин; **бажариш муддати** ўрта муддатли – ўқув семестри якунигача.

**Лойиҳани бажариш тартиби:** талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил фаолиятларида бажарилади, амалий машғулотда тақдим этиб борилади. Лойиҳа маҳсули семестр охирида, талабалар ва педагог ўртасида белгиланган кунда амалга оширилади.

**Лойиҳанинг баҳоланиши** – гуруҳлар томонидан бажарилган лойиҳа қуйидагича баҳоланади (гуруҳнинг ҳар бир аъзоси учун): талабалар томонидан бажарилган лойиҳанинг маҳсулотини (макс. балл – 5); ҳисобот (макс. балл – 5); лойиҳа тақдими ва ҳимоя этиш жараёни (макс. балл – 10).





# **Мисол ўқув лойиҳаси: “ДЕВИАЦИЯ – ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА” (давоми) ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ (лавҳа)**

## **Лойиҳавий таълимни ташкил этиш босқичлари**

*Тайёрлов босқичи:* лойиҳа билан танишиш; аудиториядаги машғулот вақтида талабалар фаолиятини ташкил этиш.

*Лойиҳани бажариш босқичлари:* аудиториядан ташқари фаолият даврида.

*Яқиний босқич:* лойиҳа тақдимоти, лойиҳа ва аудитория машғулотида талабаларнинг лойиҳалаштириш фаолиятини баҳолаш.

*Лойиҳа асосида ўқитишни бошқариш:* аудиториядан ташқари фаолиятда.

## **Таълим моделининг қисқача тавсифномаси**

Лойиҳа асосида ўқитиш жараёнида қуйидагилар қўлланилади:

*ўқитиш усуллари:* лойиҳалаштириш усули, матн ва ахборот манбалари билан ишлаш, тақдимот;

*ўқитиш шакллари:* оммавий, алоҳида, гуруҳий;

*ўқитиш воситалари:* лойиҳа топшириғи, услубий кўрсатмалар, компьютер технологиялари.



**Мисол**

## **ЎҚУВ ЛОЙИХАСИ: “ДЕВИАЦИЯ – ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА”**

**Н. М. Эгамбердиева, ТДПУ**

### **Лойиҳа топшириғи (лавҳа)**

**Кириш.** Ҳар бир инсон ўзи истамаган ҳолатда ижтимоий ахлоқнинг турли туман кўринишлари: тажовузкорлик, зарарли одатлар, қонунга зид ҳаракатлар билан тўқнашади. Бу каби муаммонинг ечимини топиш учун .....

**Лойиҳа доирасида ечилиши керак бўлган муаммо .....**

**Муаммо ости муаммолар:**

1..

2..

3..

**Лойиҳанинг мақсади (нима учун яратилаяпти).**

**Лойиҳани амалга оширишдан эришиладиган натижа (лойиҳа маҳсулоти).**



**Фойдаланувчилар:** талабалар, педагог психологилар, мактаб ва коллеж ўқувчилари.

**Лойиҳа доираси:**

*бажариш муддати: 5 кун*

- *иштирокчилар сони: бештагача*

**Лойиҳа тузилиши ва мазмуни**

- Кириш – маълумотли ахборотнинг моҳияти ва вазифаси очиб берилади.
- Лойиҳа мавзусини ёритиб берувчи, ахборот.
- Фойдаланилган манбалар рўйхати.

**Лойиҳа гуруҳи иштирокчиларининг вазифалари**

- Ахборот манбаларини аниқлаш, уни йиғиш.
- Ахборотни танлаш ва тузилмага келтириш.
- Маълумотномани расмийлаштириш.
- Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида оғзаки ахборот тайёрлаш.
- Ҳисобот тайёрлаш.



### 3. ТАЛАБАЛАРГА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Лойиҳали фаолиятни  
босқичма-босқич  
бажариш бўйича  
йўриқнома

Визуал тақдимотни  
тайёрлаш бўйича  
йўриқнома

Лойиҳа фаолияти  
ҳақидаги ҳисоботни  
тайёрлаш ва расмий-  
лаштириш йўриқномаси

Оғзаки тақдимотга  
тайёрланишда риоя  
этиладиган қоидалар

Баҳолаш мезонлари  
ва кўрсаткичлари

### Лойиҳани бажариш бўйича иш режаси (Лавҳа)

<u>Иштирокчилар</u> Ф.И.Ш.	<u>Вазифа</u>	<u>Иш мазмуни</u>	<u>Тайёр маҳсул</u> <u>тури</u>	<u>Бажариш</u> <u>муддати</u>


**Ўқув лойиҳасининг ўқитиш технологияси  
ўз ичига қуйидагиларни олади:**

**Ўқув машғулотининг технологик  
моделли**

**Ўқув машғулотининг технологик  
харитаси**

**Технологик харитага иловалар**





**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
ТАШАККУР!**